

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДА МЕВА ЭТАЛОНЛИ ЎХШАТИШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жо Мин Ёнг¹

мустақил изланувчиси

+998 90 321 02 53

Илмий раҳбар: ф.ф.д., проф.

Усманова Ш.Р.²

¹⁻²Тошкент давлат шарқшунослик университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7113339>

Ўхшатишлар инсоннинг илк тафаккур тарзи ва тасаввурларини яққол намоён этувчи энг фаол лингвомаданий код ҳисобланади. Ўхшатишлар – ҳар бир халқнинг лингвомаданий бойлиги бўлиб, улар миллий дунёқараш, дунёдаги предмет, ҳодиса ва ҳаракатларни миллий тасаввурларга кўра таққослаш, қиёслашдир¹.

Ўзбек ва корейс тилларининг мева номлари билан боғлиқ ўхшатишлар гипероним гуруҳига *олма, анор, гилос, чарос, шафтоли, ўрик* каби эталонлар киради. Мазкур ўхшатиш эталонлари ижобий коннотацияни яққол намоён этишга хизмат қилади. “Инсонда уларга бўлган муносабатни салбий томонга буриши мумкин бўлган хусусият йўқ. Улар фойдали, истеъмолга яроқли ва шифобахшдир. Бу каби хусусиятлар уларга нисбатан албатта ижобий муносабатни таъминлайди. Кейинги босқичда энди уларнинг нафақат юқорида саналган “ички” хусусиятлари, балки, ранги, шакли кабилар ҳам қайсидир нарса-ҳодисага баҳо беришда эталон сифатида танланиш имкониятини сақлайди”².

Олма. Аксарият маданиятларда олма гўзаллик ва соғлиқ рамзини англатади. Халқ оғзаки ижодидаги эртак ва ривоятларда, миф ва афсоналарда олма севги, муҳаббат ва абадий навқиронлик рамзи бўлган. “Олма билан боғлиқ мотивлар дунёдаги кўпчилик халқлар фольклорида учрайди. Ўзбек фольклорининг аксарият жанрларида ҳам олма муҳим бадиий деталь бўлиб келади. Олма рамзининг лирик кўшиқлардаги поэтик маъно кўламини биргина севги, муҳаббат мотиви билан чегаралаб бўлмайди. Синчиклаб қаралса, халқ тасаввуридаги бу рамз семантикасининг барча қатламлари (олманинг ҳомила уйғотувчи мева – фарзанд, ёр танлаш, севги маънолари) кўшиқлар мазмунида мужассамлашганлигини кўриш мумкин”³.

¹ Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadiy aspektlari. – Toshkent: TDSHI, 2017. – B. 107.

² Усманов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. б. фалс. д-ри ... дисс. – Андижон, 2019. – Б. 80.

³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/shomirza-turdimov-birning-ming-jilvasi.html>

Ўхшатишларда олма ёшлик, қизиллик, гўзаллик тимсоли сифатида қиёсланади. Олма эталонли ўхшатишлардан, асосан, аёлнинг юзи, ёноғини тасвирлашда кенг фойдаланилади:

Пайваста қошлар, нақш олмадай лўппи юз, гунчамисол лаблар, нозик бармоқлар, адл қадду қоматга узоқ тикилиб, фақат жиддий кўзларнигина танидим (Обид. Иблис билан учрашув).

Корейс лингвомаданиятида ҳам олма эталони чиройли, гўзал юзларни тасвирлашда қўлланилади:

영희의 사과 같은 예쁜 얼굴에 상처가 생겼다. Yonghie sagwa gatin yeppin olgure sanchoga senggyotta.

Ёнг Хининг олмадай чиройли юзи яраланди.

햇사과같이 아른하게 붉은 두 뺨. Ўлбоксунгагаи монсилмонсилхан текел асак беа молго шиле кет галда. Гне даба ган геил до болледа (Хенжин, Нол). Hessagwagachi arinage bulgin du ppyam. Tolbokssung-agachi mungsil mungsiran togil asak beo mulgo sipin got gatta.

Ёноқлари янги олмадай қизил. Тукли шафтолидай иягини тишлаб кўрмоқчи бўлган шекилли. У яна сигаретини тутатди.

Баъзан аёлларнинг чиройли, бежирим кўкракларини ҳам олмага қиёсланганини кузатиш мумкин:

Кўкраклари олмадай кичкина ва таранг... (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Анор. Дунё халқларининг қадимий афсоналарида анор “мевалар шоҳи” деб таърифланиб, у хукмронлик, куч-қудрат, меҳр ва садоқат рамзи саналган. Шунингдек, анор ҳосилдорлик, муҳаббат ва серфарзандлик тимсоли ҳам ҳисобланади.

Анор эталони билан боғлиқ ўхшатишлар унинг рангига, шаклига ва қисмларига кўра ҳосил қилинган. Бинобарин, анорнинг қип-қизил ранги қизил юзга қиёсланади:

– *Бечорани эликни қариблаган аёл деб бўлмас эди.*

– *Икки юзи қип-қизил анордай эди* (Т.Мурод Ойдинда юрган одамлар).

Корейс лингвомаданиятида анорнинг қип-қизил ранги қизил юзга ҳамда қизил лабларга ўхшатилади. Мисолларга эътибор қаратинг:

대낮 같으면 영신의 얼굴이 석류처럼 빨개진 것을 볼 수 있었으리라 (심훈, 상록수). Denat gatimyon Yongsine olguri songnyuchorom balgejin gosil bol su issossirira.

Агар кундузи бўлганида Ёнгсиннинг юзини анордай қизил бўлиб турганини кўриш мумкин эди.

새까만 눈동자와 석류처럼 붉은 입술, 눈처럼 하얀 피부의 조선 소녀 이란! (이상원, 란 이야기). Sekkaman nuntongjawa songnyuchorom bulging ipssul, nunchorom hayan pibue joson sonyo Iran.

Қора кўзлари, анордай қизил лаблари ва қордек оппоқ юзли корейс (Чосон давлати) қизи Иран!

Айтилганлар билан бирга, корейс халқининг маданий меъёрларида инсон ҳаётининг чиройлилиги анорга муқояса этилади:

최선을 다하는 삶은 석류처럼 아름답다 (강관권, 미술관에 사는 나무들). Chwesonil dahanin salmin songnyuchorom arimdaptta.

Кўлидан келганича ҳаракат қилиб яшайдиган инсоннинг ҳаёти анордай чиройли.

Ўзбек лингвомаданиятида анорнинг шакли аёлларнинг кўкракларига нисбатан ижобий баҳо беришда эталон сифатида қўлланилади:

Азимжон қизнинг ён томонидан чиройли елкалари, кўксига ярашган анордай сийнасига ўзринча назар ташлади (Б. Мирзо. Ойбахор ва Динара).

Анор ўхшатиш эталони орқали образли ифодалар юқорида қайд этилган ижобий коннотациялар билан бирга, нейтрал семантикага ҳам эга эканлиги билан ажралиб туради. Бунда ҳаракат сифатида анорнинг сиқилиши (*анордай сиқмоқ*), сочилиши (*анор донасидек сочилмоқ*) кабилар ифодаланади.

Мисолларга эътибор беринг:

Аёл борини анордай сиқиб, боласининг томирига қуйиб турган бўлса, унинг пучайиб бораётган илигини ким тўлдиради? (Т.Содиқова. Яшаш тилсими).

Анор донасидек сочилди бир йил –

Истеҳзо аралаш жилмаяр тақвим.

Умр бу – орзулар ёққан оловда,

Чарсиллаб ёнмоқлик ва турмоқлик жим...(Ш.Ориф. Мен асли оддаммас, ёр эдим).

Гилос. Ижобий коннотация яққол ифодаланган *гилосдай* ўхшатишидан, асосан, қип-қизил лабларни тасвирлашда кенг фойдаланилади. Масалан:

Гилосдай қирмизи лаблари эҳтиросли қисилган, «мини» юбка тирсиллайди, «босайми-босмайми» деб солланади (Р.Умматов. Ҳангомалар).

Флора гуруҳидаги ўхшатишларни ҳосил бўлишида ҳар бир халқнинг ўзига хос флораси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек гилосларининг турлари (қора гилос, қизил гилос, сариқ гилос) Кореяда учрамайди. Кореяга экспорт қилинадиган қора гилосга корейс тилида *cheri* дейилади. Кореянинг намчил иклимида гилосдан кўра майдароқ бўлган, оч қизил рангдаги корейс гилоси – *engdu* етиштирилади. Қизларнинг лаблари ана шу *engdu*га қиёсланади:

그녀가 앵두 같은 입술을 열며 빵신이 웃었다 (표준국어대사전). Ginyoga engdu gatin ipssuril yolmyo ppangssisi usotta.

Ўша қиз гилосдай лабларини хиёл очиб жилмайиб қўйди.

Чарос. Халқларнинг миллий-этник ва антропологик ўзига хосликлари мутлақо мувофиқ равишда турли миллатларда, масалан, кўзнинг айнан бир хил рангги эмас, балки бир-биридан фарқли ранглари гўзаллик билан боғланади. Русларда кўк, инглизларда яшил, ўзбекларда эса қора кўзлар миллий қиёфа тўқислиги, гўзаллигининг асосий унсурларидан ҳисобланиши маълум⁴. Бинобарин, ўзбек лингвомаданиятида чиройли, тим қора кўзлар юмалоқ, қора узум тури – чаросга ўхшатилади:

Унинг чаросдай қопқора кўзларини найза каби киприклари қўриқлаб турарди (М.Ҳаратқулов. Кўккўл).

Кўринадики, ўзбек менталитети стереотипларига кўра **чиройли** кўзлар думалоқ, қора кўзлардир. Демак, ушбу ўхшатишлардан мақсад нафақат кўзлар шакли ёки рангини ифодалаш, балки, бундай кўзлар чиройли, дея баҳоланган ўз ижобий муносабатини ҳам ифодалашдир. Ушбу ўхшатишларда ўзбекларнинг миллий аксиологик нигоҳи муҳрланган. Маълумки, турғун ўхшатишлар тил тизимининг барқарор бирлиги ҳисобланади. Унга луғавий birlikлар сингари умумийлик, тайёрлик, шунингдек, образлилик хусусиятлари хос. У орқали инсон ўзига олдиндан таниш ва янги – нотаниш нарса-моҳиятларнинг белги-хусусиятларини ўзидаги мавжуд имконият асосида ўзаро ўхшашлик, бир-бирини монандлик орқали қиёслайди. Бунда мақсад ўхшашликни қайд этишдангина иборат бўлмайди. Айнан ўхшатиш ушбу халқ миллий аксиологик нигоҳини акс эттиради⁵.

Корейс лингвомаданиятида ҳам қора кўзларни узумга қиёслаш анъанаси мавжуд. Бунда нафақат узумнинг рангги (қоралиги), балки унинг юмшоқлигига ҳам эътибор қаратилади. Корейнинг намчил иқлим шароитида катта, қора ва юмшоқ узум нави етиштирилади. Ўхшатиш объекти сифатида айнан мана шу узум тури назарда тутилади. Қиёсланг:

사내의 눈은 포도알처럼 검고 부드럽게 빛나 보였으며, 조용한 움직임 속에 감춘 속뜻은 깊어 보였다 (박영한, 머나먼 송바강). Sane-e nunin podoalchorom gomkko budiropkke binna boyossimyo, joyonghan umjigim soge gamchun sokttisin gipo boyotta.

Эркакнинг кўзлари узум доналаридек қора ва юмшоқ кўринарди, унинг сокин ҳаракати ичидаги яширин туйғуларини ифодалангандек эди.

Шафтоли. Ўзбек ва корейс халқларининг гўзаллик, чиройлилик ҳақидаги миллий тасаввурларини акс эттиришда шафтоли эталонидан ҳам истифода этилади. Бинобарин, ўзбек лингвомаданиятида шафтоли аёлларнинг лаблари ва кўкракларини тасвирлашда объект вазифасини ўтайди. Мазкур ўхшатишлар

⁴ Маҳмудов Н., Худойберганаева Д. Ўзбек тил ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Маънавият”, 2013. – Б. 15.

⁵ Усманов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. б. фалс. д-ри ... дисс. – Андижон, 2019. – Б. 94-95.

воситасида ифодаланадиган маданий меъёр – лаблар ҳарорати учун иссиқлик, кўкраклар шакли учун эса юм-юмалоқликдир. Буни куйидаги мисоллар орқали тасдиқлаш мумкин:

*Бироқ... Ўзининг ҳали никоҳланмаган севгилисини кўриши билан “лабларини иссиқ лабларига босиб, унинг **шафтолидай лаблари** ўзига боғлангани”ни мароқ билан тасвирлаб, бунинг отини гуноҳ эмас, муҳаббат деб атайди (А. Абдуллаев. Таассурот).*

*Ҳақиқатан Олтинойнинг бели хипчиндай ингичка ва итоаткор, кўкраклари энди етилган **шафтолидай юм-юмалоқ**, майин, тигиз эди (О.Ёқубов. Адолат манзили).*

Корейс лингвожамоаси вакилларининг тасаввурида шафтоли ёки шафтоли гулининг ранги аёлларнинг юзлари ёки ёноқларига ижобий баҳо беришда эталон сифатида танланганини кўриш мумкин. Мисолларга эътибор беринг: 잔잔한 노을 속에 내 두 뺨은 복숭아처럼 발갛게 익어 갔고. (송수권, 바람에 지는 아픈 꽃잎처럼). Janjanan noil soga ne du ppyamin bokssung-achorom balgake igo gatcko.

*Қуёш осуда ботаётганда ёноқларим **шафтолидай пушти** бўлиб борарди.* 처녀도 추운 듯 힐끗 보다가 두 눈의 시선이 마주치자 처녀의 얼굴이 복사꽃같이 붉어졌다 (주요섭, 미완성). Chonyodo chu-un dit hilkkkit bodaga du nune sisoni majuchija chonyo-e olguri bokssakkotgachi bulgojotta.

*Қиз ҳам совқотганга ўхшарди. Кўзлари кўзлари билан тўқнашганда қизнинг юзи **шафтоли гулидай пушти** бўлиб кетди.*

Ўрик. Корейс миллий-этник идрокида аёл юзининг гўзаллиги, оқлиги ўзбек лисоний ментал анъаналарида учрамайдиган ўрик гули билан ассоциацияланади. Масалан:

그녀는 살구 꽃처럼 하얀 피부를 가지고 있다 (www.daum.net). Ginyonin salgu kkotchorom hayan piburil gajigo itta.

*Унинг юзи ўрик гулидай **оппоқ** эди.*

Бошқа лингвомаданиятларда мавжуд бўлмаган яна бир фарқли миллий-этник муносабат ва ўлчовни муҳаббатни ўрикнинг ширин таъмига қиёсланишида кўриш мумкин:

살구처럼 달달한 사랑이야기 ‘미치겠다. 너 땀에’ 드라마가 방영됩니다 (www.daum.net). Salguchorom daldaran sarang iyagi ‘michigetta. No tteme’ diramaga bangyongdemmid.

Ўрикдай ширин муҳаббат қиссаси. “Сени деб девона бўлиб қоламан” телесериали намойиш этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек ва корейс лингвомаданиятида *олма, анор, гилос, чарос, шафтоли, ўрик* сингари мева эталонларидан, асосан, аёлларнинг гўзаллиги, хусусан, уларнинг юзи, ёноқлари, лаблари, кўзлари ва кўкракларини

тасвирлашда кенг фойдаланилади. Мева гуруҳидаги ўхшатишларни ҳосил бўлишида ҳар бир халқнинг ўзига хос флораси муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, корейс миллий-этник идрокида аёл юзининг гўзаллиги, оқлиги ўзбек лисоний ментал анъаналарида учрамайдиган ўрик гули билан ҳам ассоциацияланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тил ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Маънавият”, 2013.
2. Usmanova Sh. Tarjimaning lingvomadiy aspektlari. – Toshkent: TDSHI, 2017.
3. Усманов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. б. фалс. д-ри ... дисс. – Андижон, 2019.
4. <https://sociologicheskaya.academic.ru/1005>
5. <https://ru.wiktionary.org/wiki>